

**А. Солиев, и.ф.д. проф, НамМТИ,  
Н. Махмудова, магистр,  
Н. Ғаниева магистр,  
З. Хакимов, катта илмий ходим-изланувчи, ТДИУ**

## **НАМАНГАНДА ЕНГИЛ САНОАТ РИВОЖИНИНГ ИННОВАЦИОН ИСТИҚБОЛЛАРИ**

*В статье раскрыты эффективные методы повышения конкурентоспособности и инновационной деятельности предприятий, развитие легкой промышленности Наманганской области. Анализированы программы перспективного развития легкой промышленности области, разработаны рекомендации по дальнейшему более расширенному повышению эффективности предприятий на основе инновационных механизмов.*

*The article reveals effective methods to improve the competitiveness and innovation of enterprises, the development of light industry of Namangan region. Analyze the program of perspective development of light industry, developed recommendations to further improve the effectiveness of more advanced enterprises through innovative mechanisms.*

**Калитли сўзлар:** *енгил саноат, корхоналар инновацион фаолияти, кластер, дизайн, инжиниринг, текстиль кластерининг инновацион модели, бизнес муҳити, консальтинг, истиқболли дастурлар, бизнес марказ.*

Президентимиз И.А. Каримовнинг Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида: “Биз учун асосий вазифа – ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш, доимий равишда ички имконият ва захираларни излаб топиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом эттиришдан иборат бўлиши зарур. Айни шундай янгича қараш ва ҳаракатлар бутун фаолиятимизнинг негизини ташкил этиши шарт. Замонавий технологиялар асосида пахта толасини ва мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ташқи ва ички бозорда талаб юқори бўлган тайёр, экологик тоза тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2030 йилда 5,6 марта, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини эса 5,7 карра ошириш имконини беради..” [1] деб таъкидлаганлар.

Инновацион ривожланиш стратегияси енгил саноат корхоналарининг ички ва жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини таъминлашнинг зарурий шарти ҳисобланади. Бу юорада П. Друкернинг қуйидаги фикрига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим “Бизнеснинг асосий мақсади мижозларни жалб қилиш бўлганлиги сабабли, корхонанинг иккита ва фақат иккита асосий функцияси мавжуд: маркетинг ва инновация” [2].

Й. Шумпетернинг “Инновациянинг мақсади - янги товар турлари, янги ишлаб чиқариш усуллари, янги хомашё манбаларини жорий қилиш ва фойдаланиш, янги бозорлар ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг янги шакллари ўзлаштириш”[3] кабилар инновацион ривожланиш истиқболлари асосий меъзонлари ҳисобланади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини истиқболини узоқ ва яқин муддатларга белгилоччи Президентимизнинг юқоридаги фикр мулоҳазаларини Наманган вилоятида босқичма-босқич амалга ошириш имкониятларини тадқиқ қилиш ва ҳудуд саноатининг етакчи тармоғи бўлган енгил саноат ривожининг инновацион йўналишини аниқлаш долзарб масала деб ҳисоблаймиз.

### 1-жадвал

#### Наманган вилояти саноат ишлаб чиқаришида енгил саноатни 2015 йилда тутган ўрни

Кўрсаткичлар	2015 йил	2015 йилда 2014 йилга нисбатан ўсиш (%)
<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>
Жами саноат моллари ишлаб чиқариш (млрд.сўм)	2685,2	114,0
-унда енгил саноат улуши %	38,7	112,7
<b>Шундан:</b>		
йирик корхоналарда ичида	38,0	100,2
микрофирмалар ичида	46,1	119,3
ёрдамчи саноат корхоналар ичида	16,7	161,6
Якка тартибда меҳнат фаолияти кўрсатаётганлар ичида	33,5	119,0

**Манба:** Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, вилоят саноати салоҳиятини қарийб 40 %и енгил саноат тармоқларига тўғри келмоқда, аҳолининг иш ўринларини таъминланишида ҳам мазкур соҳа етакчидир.

Наманган вилоятида ишлаб чиқарилаётган енгил саноат маҳсулотларидан тикув ва трикотаж ҳамда пойабзаллар ҳозир нафақат мамлакатимизнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Қарши ва бошқа юқори талабга эга бўлган шаҳарлари бозорини эгаллади. Улар Россия, Қозоғистон, Туркия, Германия, Молдавия, Беларусь, Украина ва МДХ мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Наманганда ишлаб чиқарилган классик куртка, пальто, костюмлар, пиджаклар, шимлар ва кўйлақлар, эркаклар модель пойабзаллари, сочиқлар “*Istiqlol Tekstil Dizayn*”, “*Zamin Lyuks Tekstil*”, “*Lyuks Plyus Servis*”, “*Tekstil Libos*”, “*Iftihor Kiyim Sanoat*”, “*Asror Tekstil Sanoat*”, “*Asl Tekstil Libos*”, “*Namangan Kiyim Sanoat*”, “*Golden Ring*” корхоналари брендлари ички ва жаҳон бозорларини эгаллаб боришида ҳам Президентимиз И.А. Каримовни шахсан ҳиссалари бор. 2011 йил 30 сентябрда Наманганга ташриф буюрган чоғларида тикув маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “**Истиқлол**” кичик корхонаси фаолияти билан танишиб қуйидаги маслаҳатларни берган эдилар: “Халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда кийимлар намуналари

намойиш залини ташкил этиб, дизайн модалар маркази таркибига кирувчи тажриба ишлаб чиқариш цехини очиш ҳамда *Франция, Германия, Италия* дизайн ва мода марказлари тажрибасини ўрганиш зарур”.

Корхона Президентимиз тавсифлари асосида, “*Istiqlol Tekstil Dizayn*” брендига эга бўлиб: янги замонавий бино, технология, моделлар намойиши залини ва сотиш бўлимларини ташкил этиб фаолият юритмоқда.

Президентимизнинг юқоридаги қимматли тавсиялари асосида текстиль саноати соҳасига мутахассис тайёрлашга ихтисослашган Наманган муҳандислик-технология институти профессор-ўқитувчилари ҳам **таълим-фан ишлаб чиқариш** ҳамкорлигини янгидан ташкил этиш ва мустаҳкамлашга киришдилар. Институтнинг “Маркетинг” кафедраси раҳбарлигида **“Текстиль кластери инновацион моделини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш”** бўйича илмий ишлар бошлаб юборилди, ўқув ва амалиёт дарслари ишлаб чиқаришга боғланмоқда, илмий ишлар мавзуларига ўзгартиришлар киритилди, талабалар илмий ишлари, битирув-малакавий ишлари, магистрлар ва докторантлар диссертациялари мавзулари қайта кўриб чиқилди. Институт давлат дастури асосида тўла янгиланиб 15 млрд сўмдан кўпроқ маблағ ҳисобига янги ўқув-илмий лабораториялар, ошхона, кутубхона, ахборот ресурс маркази ва талабалар турар жойи замонавий биноларига эга бўлди. Шундай қилиб, нафақат Наманган балки Водий вилоятларида энгил саноатни малакавий мутахассислар билан таъминлаш, уларга илмий-услубий ёрдамлар бериш маркази шакилланди.

Президентимиз И.А. Каримов 2015 йилнинг 26 ноябрида Халқ депутатлари Наманган вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузаларида белгилаб берган вазифаларни амалга ошириш бўйича **2439-сонли “2016-2019 йилларда Наманган вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисидаги”** махсус қарор қабул қилинди. Унда келгуси тўрт йил давомида умумий қиймати 5 млрд.доллар бўлган 250 дан зиёд лойиҳани жорий этиш ва шунинг ҳисобидан 16 мингдан кўпроқ янги иш ўринларини яратиш мўлжалланган.

“Ўзбекенгилсаноат ДАК тизимида **Наманган вилоятида 2016-2019 йилларда амалга ошириладиган** 8 та янги лойиҳаларнинг амалга ошириладиган 126,6 млн. АҚШ доллор инвестициялар киритилиши режалаштирилиб, уларнинг 30 млн. АҚШ доллори чет эл инвесторлари томонидан киритилиши белгиланган. Инвестицион лойиҳаларни амалга оширилиши натижасида 2200 га яқин иш ўринлари ташкил этилади. Жумладан, “Ифтихор кийим саноат” МЧЖ.да “ЗАРА” бренди билан янги джинс газлама ва тайёр джинс кийимлари, йўлга қўйилиб, “Учқўрғон текстиль” ва “Ўзтексчирчик” Қ.К.ларида махровий маҳсулотлар, “Аиша хом текстиль” МЧЖ, “Дўстлик-А” МЧЖ.ларда янги ассортиментдаги сочиқ маҳсулотлари ва бошқа бир қатор янги турдаги текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, маҳсулотларнинг 70 % дан ортиғи хорижий мамлакатларга экспорт қилишни режалаштирилган. (2-жадвал)

2-жадвал

**“Ўзбекэнгилсаноат” ДАК тизимида Наманган вилоятда 2016-2019 йилларда энгил саноат корхоналарида амалга ошириладиган истиқболли лойиҳалар**

№	Лойиҳалар номи	Маҳсулот турлари	Лойиҳа қуввати			Лойиҳани қиймати (млн АҚШ дол.)	Яратилади ган иш ўринлари
			1-босқич	2-босқич	3-босқич		
1	2	3	4	5	6	7	8
1.	“Ифтихор кийим саноат” МЧЖ (ЗАРА)	джинс газлама ва тайёр джинс кийимлари	5 тн. ип	12,0 млн.кв.м джинс газлама		24,6	530
2.	АРТ Софт” МЧЖ	Пахмоқ маҳсулотлар	3,0 тн пахта ипи	16,1 млн комплект		31,0	400
3.	“Учқўрғон текстил” ва “Ўзтексчирчик” ҚК (Сингапур)	Махровий маҳсулотлар	7,0 тн бўялган ип			25,0	500
4.	“Аиша хом текстил” МЧЖ (Хитой)	Бўялган пахта ипи ва пахмоқ маҳсулотлар	-1.2 минг тн бўялган ип	1.5 млн копл. Маҳсулот	350,0 минг дона тайёр маҳсулот	3,0	100
5.	“Попфен”ҚК (Германия)	Бўялган пахта ипи ва пастель	8,7 минг тн. ипи	1 млн дона постел комплект		38,0	500
6.	“Дўстлик-А” МЧЖ (Германия)	Пахмоқ маҳсулотлар	3,5 млн. комплект			2,0	50
7.	“Вергион Ипаги” ҚК (Сингапур)	Ипак газламалар	600,0 минг кв.м ипак газлама			1,0	30
8.	“Наманган тўқимачи” МЧЖ (Германия)	Пахта ипи ва газламалар	2,5 минг тонна ип	7,0 млн.кв метр газлама		2,0	50
<b>Жами</b>						<b>126,6</b>	<b>2110</b>

**Манба: Наманган вилояти ҳокимлиги маълумотлари асосида тайёрланди.**

Вилоят энгил саноатнинг яқин тўрт йил ичида ривожланиш дастурини кўрсаткичлари корхоналарни ҳозирги имкониятлари асосида, ички ва ташқи бозорлардаги конъюнктура ўзгаришларига мослашиш мақсадида ишлаб чиқилган. Наманган вилояти энгил саноатида хусусий корхоналарни модернизация қилиш, янги технологияларни жорий этиш асосида 2016-2019 йилларга белгиланган дастурлар доирасидада жами 10 дан ортиқ янги лойиҳаларни амалга ошириш белгиланган бўлиб, уларга киритиладиган инвестициялар жами 14027,4 минг АҚШ доллори этиб белгиланган. Амалга ошириладиган янги лойиҳаларнинг асосийлари корхоналарнинг ўз маблағлари эвазига амалга оширилади ва натижада 1040 та янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган. Шунингдек, асосий истеъмол товарлари бўлган трикотаж ва пайпоқлар, тайёр кийимлар, шунингдек, жинс матоларини ишлаб чиқариш қувватлари бир неча мартага ошириш кўзда тутилган.(3-жадвал) Албатта, режалаштирилган янги лойиҳаларни амалда бажарилиши вилоят энгил саноатини яна бир даража-поғонага кўтаради. Лойиҳа ташаббускорлари бўлган эркаклар тайёр кийимини ишлаб чиқарувчи “Люкс Плюс-Сервис” МЧЖнинг истиқболли дастурлари европа ва узоқ хориж бозорлари учун тайёр кийимлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган.

3-жадвал

**Наманган вилоятида энгил саноати корхоналарни модернизация қилиш, янги технологияларни жорий этиш асосида 2016-2019 йилларга белгиланган дастурлар доирасида амалга ошириладиган истиқболли лойиҳалар**

№	Лойиҳа ташаббус-корлари	Маҳсулот турлари йиллик қуввати	Лойиҳа қиймати (минг АҚШ доллори)	Жумладан		Яратил аётган иш ўринлари
				Корхона маблағидан	Банк кредитидан	
1	2	3	4	5	6	7
1	“Текстил либос” МЧЖ	-тайёр кийимлар ишлаб чиқариш (80,0 минг дона);	769,2		769,2 минг доллор	100
2	“Чортоқ ипаги” МЧЖ	- пахта ипи (2,0 минг т.) ва пайпоқлар (700 минг д.) ишлаб чиқариш;	2609,7	702,0	1907,7	60
3	“Азиз-94” МЧЖ	- пахта ипи (1,2 тн) ва пайпоқлар (500 минг д.) ишлаб чиқариш;	672,0	672,0		60
4	“Норин файз текстил” МЧЖ	-болалар трикотаж маҳсулотлари (360,0 минг.д) ишлаб чиқариш;	115,4	76,9	38,5	12
5	“ФТ текстил гроун” МЧЖ	-пахта ипи (9 т) ва трикотаж матоси (20 т) ишлаб чиқариш;	1900,0	4000,0	15000,0	250
6	“МРТ текстил” МЧЖ	-джинс газламалар (6 млн.т.) ва пайпоқлар (43,2 млн.п) ишлаб чиқариш;	1000,0	1000,		200
7	“Мега текстил” МЧЖ	-пахта ипи (1,6 тн.ип) ва пайпоқлар 60 минг) ишлаб чиқариш;	1800,0		1800,0	33
8	“Люкс Плюс-Сервис” МЧЖ	-эркаклар кўйлаклари (80,0 минг д.) ишлаб чиқариш;	1384,6	615,4	769,2	100
9	“Само текстил” МЧЖ	-пахта ипи ва трикотаж мато ишлаб чиқариш (2 т);	1461,5	1461,5		110
10	“Анвархон келажак текс” МЧЖ, “Наманган ипакилам” МЧЖ, “Нанай” МЧЖ	-пахта ипи (0,7 минг т.) ва пайпоқлар, болалар тайёр кийимлари, спорт кийимлари ишлаб чиқариш.	2315,0	1905,0	431,0	115
Жами			14027,4	10432,8	20715,6	1040

**Манба: Наманган вилояти хокимлиги маълумотлари асосида тайёрланди.**

Бизнинг тадқиқотларимиз кўрсатишича барча соҳадаги, жумладан энгил саноат бўйича фаолият кўрсатаётган бозор субъектлари учун давлатимиз томонидан ҳозиргача яратилаётган **“бизнес муҳити”** ва имтиёзлар: солиқ юкини ва уларнинг фаолиятини текширишни камайтириш, электрон ҳисоботлар, электрон савдо, божхона ва хўжалик судлари ҳужжатларини электрон шаклга ўтиши, экспортга кўмаклашиш жамғармасини ва **“Ягона**



**дарча-ойна”** тизимини ташкил этилиши ва бошқалар жуда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Аммо, ҳозирги кучли рақобатли бозор шароитида энгил саноат корхоналари ва хусусий бизнес субъектларига янада юқори даражадаги инновацион **“Инжиниринг”**, **“Дизайн ва модалар”** ҳамда **“Консалтинг”** (*маркетинг*) хизматларини йўлга қўйиш талаб этилмоқда. Бунга сабаб қуйидаги ҳолатлардир:

- аввало тўқимачилик энгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъектлар ичида инновацион лойиҳаларни тўғридан-тўғри жорий этиш имкониятлари бўлган йирик корхоналар улуши вилоятимизда 3 %ни ташкил этади, қолган 97 % кичик корхона, микро фирма ва оилавий бизнеслар бўлиб, улар фан-техника ва технология ютуқларини ўзлаштириш борасида жуда кам ахборотга эга, касбий-малакавий билимга ва барча хизматларга муҳтож;

- кўпчилиқ корхоналарда инновацион ахборотларни олиш, фойдаланиш ва уларда тавсия этилаётган фан-техника ютуқлари асосида яратилган янги технологияларни харид қилиш, жорий этиш ва ишлаши бўйича малакали мутахассислар етишмайди, чет эл инжиниринг хизматлари ўта қиммат, технологик жиҳозларни эҳтиёт қисимларини ишлаб чиқариш локализация дастуримизга киритилмаган:

- корхоналар учун ишлаб чиқариш сохалари бўйича миллий ва жаҳон бозорларидаги конъюнктура ўзгаришлари ҳақида ахборотлар тайёрловчи консалтинг хизмати йўлга қўйилмаган;

- кичик корхоналар тайёр маҳсулотларини ички ва ташқи бозорга сотиш муаммоларига дуч келмоқдалар, уларга улгуржи савдо хизмати кўрсатиш бўйича махсус фирмалар деярли йўқ;

- чет мамлакатларда ташкил этилган **“Савдо уйлари”** билан алоқа ўрнатиш, экспорт ва импорт билан боғлиқ бўлган, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш, суғурта, божхона ва банк хизматларини кичик ва хусусий бизнес субъектлари учун янада соддалаштириш, улардан фойдаланиш жараёнини кўпроқ рекламасини ташкил этиш ва корхоналар фаолиятига яқинлаштириш талаб этилмоқда.

Мазкур муаммоларни иқтидиёти ривожланган давлатлар даражасида ҳал қилишнинг асосий йўналиши - **Кластер назариясига асосланган**- ишлаб чиқариш корхоналари ва уларга таълим, илмий-услубий, инжиниринг, дизайн ва мода, маркетинг, стандартлаштириш, суғурта, банк, божхона хизматлари кўрсатувчи ташкилот ва муассасалар фаолиятини ягона интеграциялашган тизими ва механизмини яратишдан иборат деб ҳисоблаймиз.

**Кластер назариясининг** асосчиси-америкалик маркетинг олим **Майкл Портер** томонидан ўтган асрнинг 90-йилларида 10 та иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг 100 та саноат ва бошқа тармоқларида ташкил этилган кластерлар фаолияти ўрганилганда, қолган тармоқларда яъни кластер тизимидан ташқаридагиларга қараганда меҳнат унумдорлиги 1,5 баробаригача, иш ҳақи эса, 30 фоизгача кўплиги ҳамда улар жойлашган ҳудудлар аҳолисини турмуш даражаси ҳам анча юқорилиги аниқланган.

Наманганда шакллантириладиган «Текстил кластери»ни урта таркибий қисми: «Инжиниринг», «Дизайн ва модалар» ва «Консалтинг-маркетинг» хизматлари марказларидан иборат.

Президентимизнинг **«Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир»** номли асарида «Бизнес оламида энг катта муаммо нимада, деб сўрасангиз, маҳсулот ишлаб чиқариш эмас, балки уни сотиш, сотиш, яна бир бор сотиш, харидор топиш, деб айтган бўлардим» [4] деган фикрлари бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида маркетингни аҳамияти ўта муҳим ўрин тутаётганлигини асослайди.

Шунинг учун илмий тадқиқотларимиз мазмун моҳияти ҳам Президентимизнинг мазкур кўрсатмалари асосида кенгайтириш ва вилоят иқтисодиётини янада ривожлантиришнинг **“Локомативи”** вазифасини бажарувчи замонавий **“Наманган бизнес маркази”** инновацион моделини ишлаб чиқдик ва вилоят ҳокимлигига тақдим этилди.

**“Наманган бизнес маркази”**ни асосий вазифаси-барча бозор субъектларига юқори савияли-малакали **“Инжиниринг”, “Дизайн ва модалар”** ва **“Консалтинг-маркетинг”** хизматлари, товарлар намуналари реклама қилиш, улгуржи ва чакана харидорларга таклиф этиш, уларнинг талабларини ўрганиб бориш, чет эл фирма-компаниялари мутахассисларини таклиф этиш, янги техника ва технологияларини намойиш этиб бориш, институтнинг мутахассислик кафедралари профессор-ўқитувчилари, докторантлари, магистр ва талабаларини бизнес марказ ишига жалб этиш, медиа ахборот технологиялари асосида товар хомашё биржалари билан ҳамкорликда ишлаш, бизнес оламидаги янгиликлар билан тадбиркорларни таништириб бориш ва натижада вилоятда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг рақобат майдонини шакллантиришдан иборат.

Бизнинг фикримизча, мазкур **“Бизнес маркази”** инновацион модели лойиҳасини амалиётга татбиқ этилиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 4 ноябрдаги *“Олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш инновацион ҳамкорлигини амалга оширилишини таъминлаш этиш масалалари тўғрисидаги”* 47-сонли баёнида келтирилган топшириқлар ижросини таъминлайди.



**Наманган бизнес марказининг инновацион модели**

**Манба: Муаллиф ишланмаси.**



### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. //Халқ сўзи. –Т., 11 (6446) – сон. 2016 йил 16 январь.
2. Drucker, P.F. 2007, Management: tasks, responsibilities, practices, Transaction Publishers, New Brunswick, N.J.; London.
3. Эргашходжаева Ш.Д. Инновацион маркетинг. Дарслик. –Т.: ТДИУ, Иқтисодиёт, 2014. –14 б.
4. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир. – Т.: – Ўзбекистон. 2015 й. 165 б.